Мен учун илмнинг фазли

09:42 / 26.03.2019 2412

7 - عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «فَضْلُ الْعِلْمِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ فَضْلِ الْعِبَادَةِ، وَخَيْرُ دِينِكُمُ الْوَرَعُ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ.

7. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен учун илмнинг фазли ибодатнинг фазлидан маҳбуброқдир. Динингизнинг яхшиси вараъдир»* дедилар».

Ҳоким ривоят қилган.

* *Кўп илм олиш, илм билан шуғулланиш кўп ибодат қилишдан афзал.*

Вараъ – шубҳали нарсалардан четланиш.